Реализация настоящего Соглашения осуществляется на основе двусторонних и многосторонних соглашений, договоров (контрактов), заключае-

мых соответствующими органами, организациями, предприятиями и другими хозяйствующими субъектами Сторон, в иных взаимосогласованных формах.

При выборе и определении форм поддержки конкретных направлений сотрудничества Стороны руководствуются взаимными интересами.

Статья 9

Стороны договариваются об унификации терминов, применяемых при разведке и использовании минерально-сырьевых ресурсов, на базе международных требований.

Статья 10

Стороны осуществляют обмен законодательными актами и нормативно-правовыми документами в области изучения, использования и охраны недр и принимают меры по их сближению.

Статья 11

Настоящее Соглашение не затрагивает прав и обязательств Сторон, вытекающих из других международных договоров, участниками которых они могут являться.

Статья 12

При решении вопросов, связанных с использованием сведений, составляющих государственную тайну, Стороны руководствуются своими национальными законодательствами и международными договорами, участниками которых они являются.

Статья 13

Спорные вопросы, связанные с применением или толкованием настоящего Соглашения, разрешаются путем консультаций и переговоров заинтересованных Сторон или используя иные процедуры, не противоречащие нормам международного права.

Статья 14

В настоящее Соглашение могут быть внесены изменения и дополнения с общего согласия Сторон.

Статья 15

Настоящее Соглашение вступает в силу после сдачи на хранение депозитарию третьего уведомления о выполнении Сторонами внутригосударственных процедур, необходимых для его вступления в силу. Для Сторон, выполнивших внутригосударственные процедуры позднее, оно вступает в силу со дня сдачи депозитарию соответствующего уведомления.

Статья 16

Через 2 месяца после вступления настоящего Соглашения в силу Стороны проведут совещание соответствующих национальных органов для определения первоочередных мер по его реализации.

Статья 17

Настоящее Соглашение заключается на неопределенный срок.

Статья 18

Каждая Сторона может выйти из настоящего Соглашения, письменно уведомив об этом депозитария не позднее чем за 12 месяцев до выхода.

Статья 19

Настоящее Соглашение открыто для присоединения к нему других государств, разделяющих его цели и принципы, с согласия всех Сторон путем передачи депозитарию документов о таком присоединении. Присоединение считается вступившим в силу со дня получения депозитарием последнего сообщения Сторон о согласии на такое присоединение.

Совершено в городе Москве 27 марта 1997 года в одном подлинном экземпляре на русском языке. Подлинный экземпляр хранится в Исполнительном Секретариате Содружества Независимых Государств, который направит каждому государству, подписавшему настоящее Соглашение, его заверенную копию.

(подписи)

ПРИЛОЖЕНИЕ

к Соглашению о сотрудничестве в области
изучения, разведки и использования
минерально-сырьевых ресурсов
от 27 марта 1997 года

ПОЛОЖЕНИЕ

о Межправительственном совете по разведке, использованию и охране недр

I. Общие положения

Межправительственный совет по разведке, использованию и охране недр (далее — Совет) создается с целью развития сотрудничества в сфере изучения, разведки, использования и охраны недр в рамках Содружества Независимых Государств, способствует практическому осуществлению политики, направленной на формирование и обеспечение эффективной деятельности государств-участников Содружества.

Главное назначение Совета состоит в осуществлении целей и задач Соглашения о сотрудничестве в области изучения, разведки и использования минерально-сырьевых ресурсов и Горной хартии государств-участников Содружества Независимых Государств, в том числе путем согласованных действий, предпринимаемых государствами-участниками Соглашения о сотрудничестве в области изучения, разведки и использования минерально-сырьевых ресурсов (далее — государства-участники Соглашения).

1. Совет в своей деятельности руководствуется Уставом Содружества Независимых Государств, Соглашением о сотрудничестве в области изучения, разведки и использования минерально-сырьевых ресурсов и настоящим Положением.

2. Совет осуществляет свою деятельность в тесном взаимодействии с Межгосударственным экономическим Комитетом Экономического союза и уставными органами Содружества Независимых Государств.

3. Совет формируется из полномочных представителей — руководителей соответствующих министерств и ведомств государств-участников Соглашения — членов Совета.

Каждое государство-участник Соглашения имеет в Совете один голос.

4. В состав Совета входит представитель Межгосударственного экономического Комитета Экономического союза с правом совещательного голоса.

II. Задачи и функции Совета

Основными задачами и функциями Совета являются:

1. Определение приоритетных направлений сотрудничества, координация и проведение согласованной политики государств-участников Соглашения в области изучения, разведки и использования минерально-сырьевых ресурсов.

2. Становление и развитие рынка минерально-сырьевых ресурсов и продуктов их переработки (преобразования) в рамках Содружества, в том числе путем воссоздания взаимовыгодных кооперационных связей субъектов хозяйствования государств-участников Соглашения, с учетом новых правовых и экономических условий.

3. Содействие доступу к недрам, их разведке и разработке в соответствии с законодательством каждого государства-участника Соглашения.

4. Организация разработки и реализации совместных программ и работ в области геологического изучения недр, воспроизводства и качественного улучшения минерально-сырьевой базы.

5. Гармонизация политики развития и размещения предприятий горно-промышленного комплекса.

6. Содействие доступу на коммерческих условиях к новым технологиям, применяемым в области разведки, добычи, переработки (преобразования) и использования минерально-сырьевых ресурсов.

7. Создание условий, обеспечивающих рациональное и комплексное использование запасов месторождений полезных ископаемых.

8. Организация разработки и реализации совместных программ и работ в области техники безопасности, нацеленных на достижение и/или поддержание высоких уровней безопасности, сотрудничество в предотвращении и ликвидации последствий крупных аварий на предприятиях по добыче и переработке (преобразованию) минерально-сырьевых ресурсов.

9. Организация разработки и реализации взаимосогласованных подходов к решению проблем охраны окружающей природной среды и конкретных совместных программ работ в данной области.

10. Содействие привлечению инвестиций и кредитов в горнопромышленные комплексы государств-участников Соглашения, в том числе из третьих стран; создание механизмов и условий привлечения средств из внебюджетных источников государств-участников Соглашения.

11. Выявление приоритетных направлений научных исследований, перспективных проектных и опытно-конструкторских разработок, координация указанных исследований и разработок, финансирование на долевого основе представляющих взаимный интерес работ, проектов и программ.

12. Осуществление мер по унификации действующих стандартов и технических условий, совершенствованию нормативно-методических документов в области разведки и разработки месторождений полезных ископаемых, включая классификации и балансы запасов полезных ископаемых и другой геологической информации.

13. Содействие в сотрудничестве предприятий горнопромышленных комплексов государств-участников Соглашения, в том числе с оборонными предприятиями, готовыми разместить у себя заказы на модернизацию, ремонт и изготовление горного оборудования, разработку технологий и выполнение услуг, связанных с геологоразведкой, добычей, переработкой (преобразованием) полезных ископаемых, их транспортировкой и использованием, при условии обеспечения охраны окружающей природной среды.

14. Содействие в осуществлении скоординированных мероприятий по подготовке и повышению квалификации кадров, в том числе в учебных заведениях третьих стран, организации школ и курсов бизнеса, маркетинга, менеджмента.

15. Взаимодействие по вопросам, входящим в компетенцию Совета, с другими межгосударственными и межправительственными органами Содружества.

III. Права Совета

Для осуществления своих задач и функций Совет имеет право:

1. Запрашивать от соответствующих ведомств государств-участников Соглашения информацию, необходимую для выполнения своих функций, а также информацию о выполнении решений Совета.

2. Вносить в установленном порядке на рассмотрение Совета глав государств и Совета глав правительств Содружества Независимых Государств, других органов Содружества проекты документов, подготовленные Советом.

3. Создавать постоянные или временные рабочие и иные органы Сове-

та, в том числе наделенные правами юридического лица, утверждать положения о них, определять место их нахождения, порядок деятельности и финансирования; утверждать штатную численность и сметы расходов; назначать руководителей и осуществлять контроль за деятельностью этих органов.

4. Участвовать в определении источников финансирования межгосударственных проектов и программ.

5. Сотрудничать в области изучения, разведки и использования минерально-сырьевых ресурсов с соответствующими органами государств, не являющихся участниками настоящего Соглашения, и международными организациями.

6. Разрабатывать и утверждать Регламент своей работы, а также вносить в него изменения.

IV. Организация и порядок работы Совета

1. Работа Совета осуществляется, как правило, путем проведения сессий Совета в государствах-участниках Соглашения.

2. Сессии Совета проводятся по мере необходимости, но не реже одного раза в год. Внеочередная сессия Совета может созываться по инициативе любого государства-участника Соглашения и с согласия большинства членов Совета.

Сессия Совета правомочна, если на ней присутствует более половины членов Совета.

3. Функции председательствующего на сессии осуществляются членом Совета, представляющим государство, на территории которого проходит сессия. Он же исполняет обязанности председателя Совета до очередной сессии.

4. Расходы по проведению заседаний Совета несет государство-участник Соглашения, на территории которого проводится заседание Совета. Расходы по командированию членов Совета несет направляющее государство.

5. Член Совета имеет право получать необходимую информацию о деятельности рабочих и иных органов Совета, принятых решениях, а также выносить на обсуждение любые вопросы в пределах компетенции Совета.

6. На сессии Совета могут приглашаться в качестве наблюдателей или экспертов представители заинтересованных министерств, ведомств, государственных и общественных организаций и предприятий государств-участников Соглашения, уставных и отраслевых органов Содружества, а также международных организаций.

7. Место проведения, дата и предварительная повестка заседания каждой следующей сессии Совета определяются на очередной сессии Совета.

8. Решения Совета принимаются большинством голосов присутствующих членов Совета. Решения Совета об утверждении программ и проек-

тов, предложений об изменении настоящего Положения, а также по финансовым вопросам принимаются двумя третями голосов членов Совета.

9. Любой член Совета может заявить о своей незаинтересованности в том или ином вопросе, что не должно рассматриваться как препятствие для принятия решений.

10. Решения Совета, непосредственно затрагивающие интересы какого-либо государства-участника Соглашения, не могут приниматься в отсутствие его полномочного представителя.

11. Функции рабочего органа Совета возлагаются на аппарат МЭК.

ИККИ ТОМОНЛАМА ШАРТНОМАЛАР — ДВУСТОРОННИЕ ДОГОВОРЫ

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Ўмон Султонлиги Ҳукумати ўртасида ҳаво қатнови тўғрисида БИТИМ

Маскат, 2009 йил 5 октябрь

*Мазкур Битим Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2010 йил 28 январдаги ПҚ-1272-сон қарори билан тасдиқланган*

*(Ўзбекистон Республикаси учун 2020 йил 11 майдан
кучга кирган)*

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Ўмон Султонлиги Ҳукумати, кейинги ўринларда «Аҳдлашувчи Томонлар» деб аталувчилар,

1944 йил 7 декабрда Чикаго шаҳрида имзоланган учун очиқ деб эълон қилинган Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисида Конвенциянинг иштирокчилари бўлган ҳолда,

ўз давлатлари ҳудудлари ва ташқари ҳудудлар ўртасида ҳаво қатновларини ўрнатиш мақсадида юқорида кўрсатилган Конвенцияга қўшимча равишда Битим тузиш истагида,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда.

Атамалар

1. Ушбу Битимнинг мақсадлари учун, агар матн бошқа изох талаб қилмаса:

а) «Конвенция» атамаси 1944 йил 7 декабрда Чикаго шаҳрида имзоланган учун очиқ деб эълон қилинган Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисида Конвенцияни англатади ва иккала Аҳдлашувчи Томон қай даражада ратификация этгани ҳамда кучга кирганига қараб, Конвенциянинг 90-моддасига мувофиқ қабул қилинган ҳар қандай Иловалар, шунингдек, Конвенциянинг 90 ва 94-моддаларига мувофиқ Конвенцияга ёки унинг Иловаларига киритилган ҳар қандай ўзгартиришларни ўз ичига олади;

б) «авиация маъмуриятлари» атамаси Ўзбекистон Республикасига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясини ёки юқорида қайд этилган авиация маъмуриятлари томонидан ҳозирги вақтда бажарилаётган вазифалар ва ўхшаш функцияларни амалга ошириш ваколати берилган ҳар қандай шахс ёки ташкилотни

англатади ва Ўмон Султонлигига нисбатан Транспорт ва коммуникация вазирини ёки қайд этилган вазир томонидан ҳозирги вақтда бажарилаётган вазибалар ва ўхшаш функцияларни амалга ошириш ваколати берилган ҳар қандай шахс ёки ташкилотни англатади;

с) «келишилган қатновлар» атамаси йўловчи, юк ва почта ташувларини алоҳида ёки биргаликда бажариш учун мазкур Битимнинг Иловасида* тасдиқланган йўналишлар бўйича амалга ошириладиган мунтазам ҳаво қатновларини англатади;

д) «Битим» атамаси мазкур Битимни, унинг Иловасини ва уларга кiritилган ҳар қандай ўзгартиришларни англатади;

е) «тайинланган авиакорхона» атамаси бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томонни хабардор қилган ҳолда тайинлаган мазкур Битимнинг Иловасида кўрсатилган тасдиқланган йўналиш ёки йўналишлар бўйича парвозларни амалга оширадиган авиакорхонани англатади;

ф) «худуд», «ҳаво қатнови», «халқаро ҳаво қатнови», «авиакорхона» ва «нотижорий мақсадларда тўхташ» атамалари Конвенциянинг 2 ва 96-моддаларида мазкур атамалар учун кўрсатилган маъноларни англатади;

г) «тариф» атамаси агентликлар хизмати учун тўланадиган ҳақ ва шартларни ўз ичига олгани ҳолда йўловчилар, йўловчиларнинг юки ва юкларни ташиш учун тўланадиган қийматни ҳамда ана шу қийматларни қўллаш шартларини, жумладан, шу ҳаво ташувларини амалга ошириш чоғида ташувчи томонидан кўрсатиладиган барча бошқа ёрдамчи хизматлар учун белгиланган қиймат ва шартларни англатади; почтани ташиш шартлари ва унга тўланадиган воситачилик ҳақлари бундан мустасно;

һ) «ийғимлар» атамаси аэропорт ёки аэронавигация жиҳозлари, ҳаво кемалари, уларнинг экипаж аъзолари, йўловчилар ва уларнинг юкларига хизмат кўрсатиш воситаларидан фойдаланиш учун авиакорхоналарга нисбатан ваколатли маъмуриятлар томонидан қўлланиладиган тўловни англатади;

и) «ҳажм» атамаси ҳаво кемасига нисбатан мазкур ҳаво кемасининг бутун йўналиш бўйлаб ёки йўналишнинг маълум бир қисмидаги тижорий юк олишини англатади ва «келишилган қатновга» нисбатан белгиланган йўналиш ёки унинг маълум бир қисми бўйича белгиланган вақт мобайнида амалга оширган парвозлар сонига кўпайтирилган ушбу қатновда фойдаланилаётган ҳаво кемаси ҳажмини англатади;

й) «тўғри транзит» атамаси ягона авиачипта ёки юк ташиш ҳужжати асосида узлуксиз ташувнинг оралиқ манзилида тўхтайдиган ёки у ердан жўнаб кетадиган қатновни англатади. Бу қатнов узлуксиз қатновнинг бир қисми бўлиб, йўлда атайин тўхташ (стопвер) ҳолларини истисно этган ҳолда авиакомпания белгилаган битта қатнов билан ўша ёки бошқа ҳаво кемаси томонидан амалга оширилади;

к) «Мазкур Битимнинг Иловаси» атамаси мазкур Битимга илова* қилинган ёки мазкур Битимнинг 21-моддасига асосан ўзгартирилган «Йўналиш-

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лар жадвалини» англатади. «Мазкур Битимнинг Иловаси» мазкур Битимнинг ажралмас қисмини ташкил қилади ва бошқа махсус келишув бўлмаса, ушбу Битимга мурожаат этилган барча ҳолларда Илова ҳам назарда тугилади.

2-модда.

Ҳуқуқларни бериш

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томонга мазкур Битимнинг Йўналишлар жадвалида белгиланган йўналишлар бўйича мунтазам халқаро ҳаво қатновларини белгилаш ва амалга ошириш мақсадида мазкур Битимда кўрсатиб ўтилган ҳуқуқларни беради ҳамда бундай қатнов ва йўналишлар кейинги ўринларда «келишилган қатновлар» ва «белгиланган йўналишлар» деб аталади.

2. Мазкур Битимнинг қоидаларига асосан ҳар бир Аҳдлашувчи Томондан тайинланган авиакорхона қуйидаги имтиёزلардан фойдаланади:

а) бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг давлат ҳудудидан қўнмасдан учиб ўтиш;

б) бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг давлат ҳудудида нотижорий мақсадларда тўхташ;

с) Аҳдлашувчи Томонлар давлат ҳудудлари оралиғида қатнаётган йўловчилар, почта ва юкни тушириш ва олиш мақсадида бошқа Аҳдлашувчи Томон давлати ҳудудидаги ушбу Битимга илова қилинган Йўналишлар жадвалида кўрсатилган манзилларда тўхташ.

3. Мазкур модданинг 2-бандидаги бирор-бир қоида бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонасига / авиакорхоналарига ҳақ эвазига ёки ёлланиш йўли билан бошқа Аҳдлашувчи Томон давлати ҳудудидаги бир манзилдан иккинчи манзилга борувчи йўловчилар, юк ва почтани ҳаво кемасига олиш ҳуқуқини беради деб ҳисобланмайди.

3-модда.

Авиакорхонани тайинлаш

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томонни дипломатик каналлар орқали ёзма равишда хабардор қилган ҳолда белгиланган йўналишларда келишилган қатновларни амалга ошириш мақсадида бир ёки бир неча авиакорхонани тайинлаш ҳуқуқига эга.

2. Бошқа Аҳдлашувчи Томон бундай хабарномани олганидан сўнг мазкур модданинг 3 ва 4-бандлари қоидаларига мувофиқ тайинланган авиакорхонага фаолият кўрсатиш учун тегишли эксплуатация рухсатномаларини беради.

3. Бир Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмуриятлари бошқа Аҳдлашувчи Томон тайинлаган авиакорхонадан у халқаро ҳаво қатновини амалга оширишда Аҳдлашувчи Томонларининг давлатлари миллий қонунчилиги томонидан Конвенция қоидаларига мувофиқ ўрнатилган шартларни бажара олишга қодир эканлигини асослантиришини талаб қилиши мумкин.

4. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон тайинланган авиакорхонани эътироф этишни рад этиши ҳамда шу тайинланган авиакорхонага мазкур Битимнинг

2-моддаси 2-бандида кўрсатилган парвозларни бажаришга рухсатнома беришни рад этиш ёки қайд этилган Аҳдлашувчи Томон мазкур авиакорхона устидан устун эгалик ва ҳақиқий назорат қилиш ушбу авиакорхонани тайинлаган Аҳдлашувчи Томонга ёки ушбу авиакорхонани тайинлаган унинг фуқароларига тегишли эканлигини исботловчи далилларга эга бўлмаган ҳар қандай ҳолда тайинланган авиакорхона томонидан ушбу ҳуқуқлардан фойдаланишда зарур деб ҳисобланган бу каби шартларнинг бажарилишини талаб этиш ҳуқуқига эга бўлади.

5. Мазкур тарзда тайинланган ва ваколатни олган авиакорхона мазкур Битимнинг 13-моддасига мувофиқ ўрнатилган тарифни ушбу қатновларга нисбатан жорий этиш шарти билан исталган пайтда келишилган қатновлардан фойдаланишни бошлаши мумкин.

4-модда.

Рухсатномадан фойдаланишни бекор қилиш ёки тўхтатиб қўйиш

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томон тайинлаган авиакорхонага берилган эксплуатация рухсатномаларини бекор қилиш ёки мазкур Битимнинг 3-моддасида кўрсатилган ҳуқуқлардан фойдаланишни тўхтатиб қўйиш ёхуд бундай ҳуқуқлардан фойдаланиш учун зарур бўлган муайян шартларни бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга, башарти:

а) мазкур авиакорхонага устун даражада эгалик қилиш ёки унинг устидан ҳақиқий назорат ўрнатиш авиакорхонани тайинлаган Аҳдлашувчи Томонга ёки унинг фуқароларига қарашли эканлигига ишонч ҳосил қилмаган ҳар қандай ҳолда, ёхуд

б) мазкур авиакорхона ушбу ҳуқуқларни берган Аҳдлашувчи Томон давлатининг миллий қонунчилигига риоя этмаса ёки риоя этишни рад этган тақдирда, ёхуд

с) ушбу авиакорхона мазкур Битимда белгиланган шартлар асосида фаолият юритишга риоя этмаган тақдирда.

2. Агар мазкур модданинг 1-бандида кўрсатилган рухсатномани бекор қилиш, тўхтатиб қўйиш ёки муайян шартларни бажаришни талаб қилиш Аҳдлашувчи Томонларнинг миллий қонун ҳужжатлари талаблари ҳамда мазкур Битим қоидалари бузилишининг олдини олиш учун зарур бўлмаса, бундай ҳуқуқдан фақатгина бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмурияси билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг фойдаланилади.

5-модда. Келишилган қатновлардан фойдаланишни тартибга солиш принциплари

1. Аҳдлашувчи Томонларнинг тайинланган авиакорхоналарига улар келишилган қатновлардан фойдаланишда бир хил имкониятлардан фойдаланишлари, шунингдек, келишилган қатновлардан фойдаланиш чоғида тегишли қатновларига исботсиз зиён етказмаслиги ва ўзаро манфаатларни эътиборга олишлари учун адолатли ва тенг ҳуқуқли шарт-шароитлар яратиб берилади. Бир Аҳдлашувчи Томон давлатининг худудида бошқа Аҳдла-

шувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонаси ҳаво кемалари томонидан аэропорт ҳамда бошқа авиация воситаларидан фойдаланиши учун жорий этилган аэропорт йиғимлари бу каби халқаро авиакатновларда банд бўлган бошқа хорижий ташувчилардан олинadиган худди шундай йиғимлардан ошмаслиги керак.

2. Аҳдлашувчи Томонларнинг тайинланган авиакорхоналари томонидан тақдим қилинаётган хизматлар қайд этилган йўналишдаги жамоат транспорти талабларига тўғри келиши лозим ҳамда ҳар бир авиакорхонанинг биринчи даражали вазифаси ҳаво кемасининг оқилона юкланишида Аҳдлашувчи Томонлар давлатларининг худудлари ўртасида ташилаётган йўловчилар, юк ва почтани ташиш талабига жавоб берувчи ташув ҳажмларини таъминлаш бўлиши лозим. Ҳаво кемаси бортига олинган ҳамда авиакорхонани тайинламаган давлатлар худудларида тасдиқланган йўналишлар бўйича жойларда туширилган йўловчилар, юк ва почта ташувини амалга ошириш ривожланишнинг умумий принципларига мувофиқ бўлиши лозим ва шулар асосида бу ҳажмлар қуйидаги талабларга боғлиқ:

а) авиакорхоналарни тайинлаган Аҳдлашувчи Томон давлат худудига / худудидан ташувларга нисбатан талаблар;

б) маҳаллий ва минтақавий қатновларни ҳисобга олган ҳолда, авиакорхона кесиб ўтадиган худуднинг ташувларга нисбатан талаблари; ва

с) авиакорхонанинг эксплуатация қилиш талаблари.

6-модда.

Қонун ва қоидалар

1. Бир Аҳдлашувчи Томоннинг халқаро қатновларни амалга ошираётган ҳаво кемалари ўз давлат худудига учиб келиши ва у ердан учиб кетиши, ўзининг давлат худуди доирасида бундай ҳаво кемаларидан фойдаланиш ва уларнинг навигациясини тартибга солувчи давлат миллий қонунчилиги бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхоналарига нисбатан ҳам қўлланилади ҳамда ушбу ҳаво кемаси томонидан биринчи Аҳдлашувчи Томон давлатининг худудига учиб келганда, учиб кетганда ёки у ерда бўлганида амал қилинади.

2. Бир Аҳдлашувчи Томон ўз давлатининг худудига йўловчилар, экипаж аъзолари, юкнинг кириб келиши, у ерда бўлиши ҳамда у ердан жўнатилишини тартибга солувчи давлат миллий қонунчилиги, хусусан, кириш, божхона расмийлаштируви, иммиграция, паспорт, божхона ҳамда карантинга оид қоидалар бошқа Аҳдлашувчи Томондан тайинланган авиакорхонага тегишли ҳаво кемаларидаги йўловчилар, экипаж аъзолари, юк ва почтага нисбатан биринчи Аҳдлашувчи Томон давлатининг худудига келиши, кетиши ёки у ерда бўлиши чоғида қўлланилади.

3. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхоналари ўз ҳаво кемалари орқали бошқа Аҳдлашувчи Томон давлатининг худудига кириши, у ерда бўлиши ёки у ердан чиқиб кетиши чоғида ўша Аҳдлашувчи Томоннинг худудига ҳайвонлар ва ўсимликларни олиб кириш ёки у ердан олиб кетишга доир қонунларга риоя қилади.

7-модда.

Тўғри транзит

Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг давлат ҳудудидан тўғри транзит орқали ўтувчи ҳамда аэропортнинг ушбу мақсад учун белгиланган ҳудудини тарк этмаган бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонаси йўловчилари, йўловчилар юки ва юқларига нисбатан содалаштирилган назорат қўлланилади. Аҳдлашувчи Томонларнинг давлат ҳудудлари орқали ўтувчи тўғри транзитдаги йўловчилар юки ва юқлар божхона божлари, солиқ ва бошқа йиғимлардан озод этилади. Тўғри транзит орқали ўтувчи йўловчилар юки ва юқларга тегишли божхона жараёнлари Аҳдлашувчи Томонларнинг давлат миллий қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

8-модда.

Божхона божлари, солиқ ва йиғимлардан озод қилиш

1. Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг тайинланган авиакорхонаси томонидан келишилган қатновда эксплуатация қилинадиган ҳаво кемалари, шунингдек, уларнинг бортидаги жорий жиҳозлари, ёқилғи-мойлаш захираси ҳамда бундай ҳаво кемаси захиралари (озиқ-овқат, ичимлик маҳсулотларини ўз ичига олган ҳолда) бошқа Аҳдлашувчи Томон давлати ҳудудига киргандан сўнг божхона божлари, солиқлар ва йиғимлардан бу жиҳозлар ва захиралар уларни ҳаво кемаси бортида қайта олиб чиқиб кетгунга қадар қолиши шарти билан озод этилади.

2. Қўйидагилар ҳам божхона божлари, солиқлар ва йиғимлардан озод қилинади, кўрсатилган хизматлар учун тўловлар бундан мустасно:

а) бир Аҳдлашувчи Томон давлатининг ҳудудида шу Аҳдлашувчи Томон маъмурияти томонидан белгиланган миқдор доирасида ва бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонаси томонидан эксплуатация қилинадиган ҳаво кемасининг бортига олинган ва унда фойдаланиш учун мўлжалланган ҳаво кемаси захиралари;

б) бир Аҳдлашувчи Томон давлат ҳудудида бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонаси томонидан эксплуатация қилинадиган ҳаво кемасига техник хизмат кўрсатиш ёки уни таъмирлаш учун олиб кирилган эҳтиёт қисмлари, шунингдек, двигателлар;

с) бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонаси томонидан халқаро қатновларда эксплуатация қилинадиган ҳаво кемаси бортига олинган ва унда ишлатиш учун мўлжалланган ёқилғи ва мойлаш материаллари, ҳатто мазкур захиралар ҳаво кемаси бортига олинган Аҳдлашувчи Томон ҳудуди бўйлаб парвоз қисмида ишлатилган тақдирда ҳам.

Кўрсатилган хизматлар, сақлаш ва божхона расмийлаштируви учун йиғимлар Аҳдлашувчи Томонлар давлатларининг миллий қонунчилигига мувофиқ олинади.

3. Мазкур модданинг 1 ва 2-бандларида кўрсатилган материаллар ва буюмлар божхона органларининг талаблари бўйича божхона текширувидан ўтказилиши мумкин.

4. Бир Аҳдлашувчи Томоннинг ҳаво кемаси бортидаги одатий борт жиҳозлари, шунингдек, эҳтиёт қисмлар ва захиралар бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудида фақатгина мазкур Аҳдлашувчи Томон божхона органларининг розилиги билан туширилиши мумкин. Бундай ҳолатда, улар божхона қонунчилигига мувофиқ қайта олиб чиқилгунига қадар ёки бошқача тарзда йўқ қилингунига қадар юқорида қайд этилган органларнинг назорати остида бўлади.

5. Бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонаси томонидан ўз фаолияти эҳтиёжлари учун бошқа Аҳдлашувчи Томон давлат ҳудудига олиб кирилган ёки олиб кириладиган ёқилғи, мойлаш ашёлари, эҳтиёт қисмлар, жорий жиҳозлари, ҳаво кемаси захиралари, озиқ-овқат, ичимлик ва тамаки маҳсулотлари, реклама материаллари, автотранспорт, буюртма қилиш ва алоқа учун электрон жиҳозлар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, ваколатхона фаолияти учун мебель ва жиҳозлар, ташув ҳужжатлари ва бланкалари бошқа Аҳдлашувчи Томон давлатининг ҳудудига олиб киришда, ундан олиб чиқишда ва у ерда бўлиши мобайнида божхона божлари, солиқ ва йиғимлардан озод қилинади.

9-модда.

Сертификат ва лицензияларни тан олиш

1. Бир Аҳдлашувчи Томон тарафидан берилган ёки ҳақиқий деб тан олинган ва амал қилиш муддати ўтмаган учишга яроқлилиқ сертификатлари, эксплуатант сертификатлари ва лицензиялари келишилган қатновларни амалга ошириш мақсадида бошқа Аҳдлашувчи Томон тарафидан ҳақиқий деб тан олинади, башарти бундай сертификат ва лицензиялар берилиши ёки ҳақиқий деб тан олиниши учун асос бўлган талаблар Конвенцияга мувофиқ белгиланган минимал стандартларга тенг ёки улардан юқорироқ бўлса.

2. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ўз фуқароларига унинг ҳудудидан учиш мақсадида бошқа ҳар қандай давлат томонидан берилган эксплуатант сертификатлари ва лицензияларининг ҳақиқийлигини тан олишни рад этиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

10-модда.

Парвозлар жадвалини тасдиқлаш

Ҳар бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхоналари парвозлар бошланишидан камида ўттиз (30) кун олдин фойдаланиладиган ҳаво кемаси тури ҳақидаги маълумотни кўрсатган ҳолда, мўлжалланган жадвални тасдиқлаш учун бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмуриятларига тақдим этиши лозим. Бу келгусидаги ўзгаришларга ҳам тегишли ҳисобланади. Алоҳида ҳолларда мазкур муддат юқорида қайд этилган маъмуриятлар розилиги билан қисқартирилиши мумкин.

11-модда.

Авиация хавфсизлиги

1. Аҳдлашувчи Томонлар фуқаро авиацияси хавфсизлигини қонунга хилоф аралашув шаклларида химоя қилиш бўйича бир-бирлари олдидаги

мажбуриятлари мазкур Битимнинг ажралмас қисми эканлигини тасдиқлайдилар. Аҳдлашувчи Томонлар, хусусан, 1963 йил 14 сентябрда Токиода имзоланган Ҳаво кемаси бортида содир этиладиган жиноятчилик ва бошқа баъзи ҳаракатлар тўғрисида Конвенция, 1970 йил 16 декабрда Гаагада имзоланган Ҳаво кемасини ноқонуний эгаллаб олишга қарши курашиш тўғрисида Конвенция, 1971 йил 23 сентябрда Монреалда имзоланган Фуқаро авиацияси хавфсизлигига қарши ноқонуний ҳаракатларга қарши курашиш тўғрисида Конвенция ҳамда унга қўшимча сифатида 1988 йил 24 февралда Монреалда имзоланган Халқаро фуқаро авиациясига хизмат кўрсатаётган аэропортларда ноқонуний куч ишлатиш ҳаракатларига қарши курашиш тўғрисида Баённома, 1991 йил 1 мартда Монреалда имзоланган Пластик бомбаларни топиш мақсадида маркировка қилиш тўғрисида Конвенция ҳамда ушбу соҳадаги иккала Аҳдлашувчи Томон учун кучга кирган кўп томонлама битимлар қоидаларига мувофиқ иш олиб борадилар.

2. Аҳдлашувчи Томонлар сўров асосида ҳаво кемасини ноқонуний эгаллаб олиш ҳамда ҳаво кемасига, ундаги йўловчилар ва экипаж аъзоларига, аэропортлар ва аэронавигация воситаларига қарши бошқа ноқонуний ҳаракатлар, шунингдек, фуқаро авиацияси хавфсизлигига ҳар қандай бошқа таҳдидларнинг олдини олишда бир-бирларига барча зарурий кўмакларни кўрсатадилар.

3. Аҳдлашувчи Томонлар ўзаро муносабатларида Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти томонидан ўрнатилган ва 1944 йилнинг 7 декабрида имзоланган учун очиқ деб эълон қилинган Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Конвенцияга илова сифатида белгиланган авиация хавфсизлиги қоидаларига мувофиқ иш олиб борадилар. Улар асосий фаолият жойи ёки доимий турар жойи ўз давлатлари ҳудудларида жойлашган ҳаво кемаларининг эксплуатантларидан ва Халқаро фуқаро авиациясига хизмат кўрсатаётган аэропортларнинг эксплуатантларидан бундай авиация хавфсизлигининг талабларига ва қоидаларига мувофиқ иш кўришларини талаб қиладилар. Мазкур моддадаги авиация хавфсизлиги қоидаларига мурожаат қилинган ҳар қандай ҳолат тегишли Аҳдлашувчи Томон хабар берган ҳар қандай тафовутни ўз ичига олади. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон мазкур қоидаларга тегишли бўлган барча тафовутлар тўғрисида бошқа Аҳдлашувчи Томонни аввалдан хабардор этиши лозим.

4. Аҳдлашувчи Томонларнинг ҳар бири бундай ҳаво кемаси эксплуатантларидан бошқа Аҳдлашувчи Томон мазкур Битимнинг 4-моддаси қоидаларига мувофиқ ушбу Аҳдлашувчи Томоннинг давлат ҳудудига кириш, чиқиш ва мазкур ҳудудда бўлиш даврида талаб қиладиган ушбу модданинг 3-бандида қайд этилган авиация хавфсизлиги қоидаларига риоя этишни талаб қилиши мумкин. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ҳаво кемаларини ҳимоя қилиш ва йўловчиларни, экипаж аъзоларини, қўл юки, багаж, юк, ҳаво кемаси захиралари ва почтани парвозга хизмат кўрсатиш вақтида текшириш учун ўз давлатининг ҳудудида самарали чора-тадбирлар кўрилишини таъминлайди. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг, башарти, аниқ таҳдид мавжуд бўлса, оқилона меъёрда хавфсизликни таъ-

минлаш юзасидан махсус чора-тадбирлар кўришга доир илтимосларини ҳам хайрихоҳлик билан кўриб чиқади.

5. Агар фуқаро ҳаво кемасини ноқонуний қўлга киритиш ёхуд бундай ҳаво кемасига, унинг йўловчиларига ва экипаж аъзоларига, аэропортларга ёки аэронавигация воситаларига қарши қаратилган бошқа ноқонуний ҳаракатлар содир бўлса ёки содир бўлиш таҳдиди мавжуд бўлса, Аҳдлашувчи Томонлар бундай ходиса ёки таҳдидни зудлик билан ва хавфсиз тарзда олдини олиш мақсадида бошқа тегишли чоралар кўриш орқали бир-бирларига ёрдам берадилар.

6. Башарти Аҳдлашувчи Томонлардан бири бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг мазкур моддадаги авиация хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаётганлиги тўғрисида етарли асосга эга бўлса, ушбу Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмуриятлари бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмуриятларидан кечиктириб бўлмайдиган маслаҳатлашувлар ўтказилишини талаб қилишлари мумкин. Бундай мурожаатдан сўнг ўн беш (15) кун ичида қоникарли келишувга эришилмаслик, бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг авиакорхонаси ёки авиакорхоналарига берилган эксплуатация ёки техник рухсатномаларни тўхтатиб қўйиш, бекор қилиш, чеклаш ёки улардан фойдаланишда қўшимча шартлар киритиш бўйича қарор учун асос бўлади. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларда, ушбу Аҳдлашувчи Томон 15 кунлик муддат ўтмасдан олдин вақтинчалик чораларни кўриши мумкин.

12-модда.

Парвозлар хавфсизлиги

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон исталган вақтда аэронавигация воситалари, экипаж аъзолари, ҳаво кемаси ва ҳаво кемасини эксплуатация қилиш билан боғлиқ соҳаларда бошқа Аҳдлашувчи Томон қабул қилган парвозлар хавфсизлиги бўйича стандартларга тегишли бўлган масалалар юзасидан маслаҳатлашувлар ўтказиш тўғрисида мурожаат қилиши мумкин. Бундай маслаҳатлашувлар мурожаат олинган кундан эътиборан ўттиз (30) кун мобайнида ўтказилади.

2. Агар бундай маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг бир Аҳдлашувчи Томон бошқа бир Аҳдлашувчи Томоннинг 1-бандда кўрсатилган соҳаларда Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Конвенцияга мувофиқ белгиланган Стандартларга (Doc 7300) мос келадиган парвозлар хавфсизлиги стандартларини самарали таъминламаётганлиги ва юритмаётганлигини аниқласа, бошқа Аҳдлашувчи Томон бундай камчиликлар ва Халқаро фуқаро авиация ташкилоти стандартларига мувофиқ чора-тадбирларни кўриши лозимлиги тўғрисида хабардор этилиши шарт. Бундан сўнг бошқа Аҳдлашувчи Томон келишилган вақт давомида тегишли тузатиш чораларини кўради.

3. Конвенциянинг 16-моддасига мувофиқ, бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонаси тарафидан ёки унинг номидан бошқа Аҳдлашувчи Томон давлатининг ҳудудидан ёки унинг давлати ҳудудига парвозни амалга ошираётган ҳаво кемаси, бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудида бўлган вақ-

тида парвозни сабабсиз кечиктиришга йўл қўймаслик шарти билан, бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ваколатли вакиллари текширувидан ўтказилиши мумкин. Конвенциянинг 33-моддасида назарда тутилган мажбуриятлардан қатъи назар, ушбу текширувнинг мақсади тегишли ҳаво кемасининг хужжатлари ва экипаж аъзолари гувоҳномаларининг ҳақиқийлиги, шунингдек, ҳаво кемаси мосламалари ва ҳолати ўша вақтда Конвенцияга мувофиқ белгиланган стандартларга мослигини текшириш ҳисобланади.

4. Агар авиакорхона парвозлари хавфсизлигини таъминлаш учун кечиктириб бўлмайдиган чоралар қўрилиши лозим бўлса, ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонаси ёки авиакорхоналарига берилган парвозларни амалга ошириш рухсатномасини вақтинча тўхтатиши ёки ўзгартириш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

5. Мазкур модданинг 4-бандига мувофиқ Аҳдлашувчи Томонлардан бири қўллаётган ҳар қандай чоралар уларга сабаб бўлган асослар бартараф қилиниши билан тугатилади.

6. Мазкур модданинг 2-бандига мувофиқ, бир Аҳдлашувчи Томон Халқаро фуқаро авиация ташкилоти стандартларига риоя этмасликни давом эттираётганлиги аниқланса, келишилган вақт муддати ўтиб кетганидан сўнг бу ҳақда Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти Бош котиби хабардор этилиши лозим. Шунингдек, Бош котибга мазкур ҳолатни қониқарли ҳал қилиш тўғрисида маслаҳат берилиши лозим.

13-модда.

Тарифлар

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхоналари тарафидан ундирилаётган тарифлар барча тегишли омилларни, шу жумладан, эксплуатация харажатлари, оқилона фойда ва бошқа авиакорхоналарнинг тарифларини инобатга олган ҳолда, асосли даражада белгиланади.

2. Мазкур модданинг 1-бандида кўрсатилган тарифлар бутун йўналиш ёки унинг бир қисмидан парвозларни амалга оширадиган бошқа авиакорхоналарнинг тарифларини инобатга олган ҳолда ҳар икки Аҳдлашувчи Томонларнинг тайинланган авиакорхоналари томонидан келишиб олинishi лозим.

3. Шу тарзда келишиб олинган тарифлар уларнинг жорий қилиниши мўлжалланган санадан камида қирқ беш (45) кун олдин ҳар икки Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмуриятларига тасдиқлаш учун тақдим этилади. Айрим ҳолларда бу муддат юқорида айтиб ўтилган маъмуриятлар ўртасидаги келишувга мувофиқ қисқартирилиши мумкин.

4. Агар тайинланган авиакорхоналар мазкур тарифлар борасида ушбу модданинг 2-банди қоидаларига мувофиқ келишувга эриша олмасалар, бир Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмурияти мазкур модданинг 3-бандига мувофиқ унга тасдиқлаш учун тақдим этилган тарифлар борасида ўзининг норозилиги тўғрисида бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмуриятига хабар беради. Бу ҳолда ҳар икки Аҳдлашувчи Томонларнинг авиация маъмуриятлари ўзаро келишув йўли билан тарифни белгилашга ҳаракат қиладилар.

5. Агар авиация маъмуриятлари мазкур модданинг 2-бандига мувофиқ уларга тақдим этилган бирон-бир тарифни тасдиқлаш борасида ёки мазкур модданинг 3-бандига мувофиқ бирон-бир тарифни белгилаш бўйича келишувга эриша олмасалар, ушбу келишмовчилик мазкур Битимнинг 18-моддасидаги шартларга мувофиқ ҳал этилиши лозим.

14-модда.

Маълумот алмашинуви

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ўзининг тайинланган авиакорхонасидан бошқа Аҳдлашувчи Томон авиация маъмуриятларига келишилган қатновларда амалга ошириладиган ташувлар тўғрисида юклаш ва тушириш манзилларини кўрсатган ҳолда статистик маълумотларни беришни талаб қилади.

2. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ўзининг тайинланган авиакорхонасидан бошқа Аҳдлашувчи Томон авиация маъмуриятларига имконият даражасида эртароқ тарифлар, парвозлар жадвалининг нусхаларини, унга киритилган ҳар қандай ўзгартиришни ўз ичига олган ҳолда ҳамда келишилган қатновлардан фойдаланишга тегишли барча бошқа зарур маълумотларни, ҳар бир белгиланган йўналишларда таклиф этиладиган ҳаво кемаси тури ҳамда ҳажми ҳақида маълумотларни ўз ичига олган ҳолда ҳамда мазкур Битимнинг талабларига тўғри амал қилиниши учун бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмуриятлари томонидан сўралиши мумкин бўлган исталган бошқа маълумотнинг берилишини талаб қилади.

15-модда.

Даромадларни ўтказиш ва тўғридан-тўғри сотув

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томон тайинланган авиакорхонасига ўзининг давлати ҳудудида тўғридан-тўғри ёки авиакорхонанинг хоҳишига кўра агентлар орқали ҳаво транспорти хизматини кўрсатиш билан шуғулланиш ҳуқуқини беради. Ҳар бир тайинланган авиакорхона бу каби хизматларни кўрсатиш ҳуқуқига эга ҳамда ҳар қандай шахс бундай хизматларни бошқа Аҳдлашувчи Томон давлатининг ҳудудида амал қилаётган валюта айирбошлашни тартибга солувчи миллий қонунчилигига мувофиқ ушбу мамлакат валютасида ёки бошқа мамлакатларнинг эркин алмаштириладиган валютасида эркин сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлади.

2. Бир Аҳдлашувчи Томоннинг ҳар бир тайинланган авиакорхонаси бошқа Аҳдлашувчи Томон давлат ҳудудида олган даромадларининг харажатлардан ортган қийматини ўтказиш ҳуқуқига эга бўлади. Бундай ўтказиш ҳудудида ушбу пул ўтказиш амалга ошириладиган Аҳдлашувчи Томон давлатининг миллий қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

16-модда.

Авиакорхона ваколатхонаси ҳамда ходимлар

Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг тайинланган авиакорхонасига бошқа Аҳдлашувчи Томон давлатининг ҳудудида келишилган парвозларни амалга

ошириш учун зарур бўлган ўз ваколатхонаси ёки ваколатхоналарини очиш ҳамда вакиллари ва ходимларини тайинлаш ҳуқуқи берилади. Ушбу вакиллар ва ходимлар ҳар икки Аҳдлашувчи Томоннинг ваколатли идораларидан тасдиқдан ўтказиш билан тайинланишлари лозим. Улар бошқа Аҳдлашувчи Томон давлат ҳудудида амалда бўлган миллий қонунчиликка риоя қилишлари лозим.

17-модда.

Маслаҳатлашувлар

1. Аҳдлашувчи Томонларнинг авиация маъмуриятлари мазкур Битим қоидалари ва илова қилинган жадвалларни қўллаш ва уларга лозим даражада риоя қилишни таъминлаш мақсадида вақти-вақти билан яқин ҳамкорлик руҳида маслаҳатлашувлар ўтказадилар ҳамда уларга ўзгартиришлар киритиш зарур бўлганда бир-бирлари билан маслаҳатлашадилар.

2. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ёзма равишда маслаҳатлашувлар ўтказишни сўраши мумкин, башарти ҳар икки Аҳдлашувчи Томон муддатни узайтиришга келишиб олмасалар, маслаҳатлашувлар сўров олинган санадан бошлаб олтмиш (60) кун ичида бошланиши лозим.

18-модда.

Низоларни ҳал этиш

1. Мазкур Битимни талқин қилиш ёки қўллаш билан боғлиқ ҳар қандай низо вужудга келган тақдирда, Аҳдлашувчи Томонлар, биринчи навбатда, уни бевосита музокара ўтказиш йўли билан ҳал этишга интиладилар.

2. Башарти Аҳдлашувчи Томонлар низони музокара йўли билан ҳал этишга эришмасалар, улар мазкур низони ҳал этишни кўриб чиқиш учун маълум бир шахс ёки ташкилотга бериши мумкин; агар улар бу йўл билан ҳам келиша олмасалар, ушбу низо ҳал этиш учун бир Аҳдлашувчи Томоннинг сўровига кўра Аҳдлашувчи Томонлар биттадан тайинлаган арбитрлар ҳамда тайинланган мазкур икки арбитр томонидан тайинланган учинчи арбитрдан иборат уч нафар арбитр таркибидаги трибуналга берилиши мумкин. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томондан дипломатик каналлар орқали арбитраж ўтказилиши бўйича сўровнома келиб тушган санадан бошлаб олтмиш (60) кун ичида арбитрни тайинлаши лозим, учинчи арбитр эса кейинги олтмиш (60) кун ичида тайинланади. Агар Аҳдлашувчи Томонлардан бири арбитрни кўрсатилган муддат ичида тайинлай олмаса ёки учинчи арбитр номзоди кўрсатилган муддат ичида тасдиқланмаса, у ҳолда Аҳдлашувчи Томонлардан бири Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти кенгаши Президентидан заруратга қараб арбитр ёки арбитрларни тайинлашни сўраши мумкин. Бундай ҳолатда учинчи арбитр учинчи давлат фуқароси бўлиши ва трибунал президенти сифатида фаолият олиб бориши лозим.

3. Аҳдлашувчи Томонлар мазкур модданинг 2-бандига мувофиқ қабул қилинган қарорга амал қилиш мажбуриятини оладилар.

19-модда.

Кўп томонлама Конвенция

Иккала Аҳдлашувчи Томон иштирокида ҳаво транспорти тўғрисида кўп томонлама конвенция ёки битим тузилса, мазкур Битим бундай конвенция ёки битимнинг қоидаларига мос келтириш учун ўзгартирилади.

20-модда.

**Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотида
рўйхатдан ўтиш**

Мазкур Битим, шу жумладан, унга ҳар қандай ўзгартиришлар Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотида рўйхатдан ўтказилиши лозим.

21-модда.

Ўзгартиришлар

1. Агар Аҳдлашувчи Томонлардан бири мазкур Битимнинг бирор қоидаларини, жумладан, Битимнинг қисмини ташкил этувчи йўналишлар жадвалини ўзгартириш лозим деб ҳисобласа, у мазкур Битимнинг 17-моддасига мувофиқ бошқа Аҳдлашувчи Томондан маслаҳатлашувлар ўтказишни сўраши мумкин. Бу каби маслаҳатлашувлар маълумотлар алмашинуви йўли билан амалга оширилиши мумкин.

2. Агар ўзгартиришлар Битимнинг йўналишлар жадвалидан бошқа қоидаларига киритилса, бу ўзгартиришлар ҳар бир Аҳдлашувчи Томон тарафидан ўз ҳуқуқий процедураларига мувофиқ тасдиқланади ва дипломатик каналлар орқали ноталар алмашинуви йўли билан тасдиқлангандан сўнг кучга киради.

3. Агар ўзгартиришлар фақат Йўналишлар жадвалига киритилса, бу ўзгартиришлар ҳар иккала Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмуриятлари ўртасида келишиб олиниши лозим.

22-модда.

Битим амал қилишининг тугатилиши

Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон исталган вақтда бошқа Аҳдлашувчи Томонни мазкур Битимнинг амал қилишини тугатиш қарори тўғрисида хабардор қилиши мумкин. Ушбу хабарнома бир вақтнинг ўзида Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотига ҳам юборилиши лозим. Бундай ҳолларда Битимнинг амал қилиши, башарти бу муддат тугашидан олдин келишувга кўра хабарнома қайтариб олинмаса, бошқа Аҳдлашувчи Томон хабарномани қабул қилган санадан бошлаб ўн икки (12) ойдан сўнг бекор қилинади. Бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг қабул қилганлиги тасдиқланмаса, Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти хабарномани олган санадан бошлаб ўн тўрт (14) кун ўтгач, хабарнома қабул қилинган деб ҳисобланади.

23-модда.

Битимнинг кучга кириши

Мазкур Битим Аҳдлашувчи Томонлар бир-бирларини мазкур Битимни

қўллаш учун зарур бўлган ҳуқуқий талабларга мувофиқлиги тўғрисида дипломатик каналлар орқали ёзма равишда хабардор қилган санадан бошлаб кучга киради. Кучга кириш санаси охириги хабарнома олинган сана ҳисобланади.

Бунинг тасдиғи сифатида, ўз ҳукуматлари томонидан лозим даражада ваколат берилган қўйида имзо чекувчилар мазкур Битимни имзоладилар.

Маскат шаҳрида 2009 йил 5 октябрда, икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек, араб ва инглиз тилларида тузилди, барча матнлар тенг аутентикдир. Талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, инглиз тилидаги матн устувор ҳисобланади.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Ўмон Султонлиги
Ҳукумати ўртасида ҳаво қатнови тўғрисида Битимга
БАЁННОМА**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Ўмон Султонлиги Ҳукумати ўртасида ҳаво қатнови тўғрисида Битимни (ХҚБ — бундан кейинги матнда «Битим») имзолаш чоғида қўйида имзо чекувчилар Битимни ажралмас қисми бўлиб ҳисобланадиган қўйидаги қоида устида келишиб олдилар:

Битимнинг асосий матнини инобатга олган ҳолда, ҳар икки Томон Битимнинг инглизча матнини имзоладилар. Ҳар икки Томон ушбу Битимни ўзбек ва араб тилларига уч (3) ой давр мобайнида таржима қилишга ва бу матнлар дипломатик каналлар орқали имзоланишига ва алмашилишига келишиб олдилар.

Бунинг тасдиғи сифатида, ўз ҳукуматлари томонидан лозим даражада ваколат берилган қўйида имзо чекувчилар ушбу Битимни имзоладилар.

Маскат шаҳрида, 2009 йил 5 октябрда, икки асл нусхада, инглиз тилида тузилди.

(имзолар)

СОГЛАШЕНИЕ
между правительствами государств-членов Шанхайской
организации сотрудничества о сотрудничестве
в сфере здравоохранения

Астана, 15 июня 2011 года

*Настоящее Соглашение утверждено постановлением
Президента Республики Узбекистан от 17 июня 2016 года
№ ПП–2250 «Об утверждении международного договора»*

*(Вступает в силу для Республики Узбекистан
14 мая 2020 года)*

Правительства государств-членов Шанхайской организации сотрудничества, далее именуемые Сторонами,

на основе равноправия и взаимного уважения, в целях повышения уровня здоровья населения, развития и укрепления дружественных отношений между народами государств-членов Шанхайской организации сотрудничества (далее — ШОС),

руководствуясь положениями Хартии ШОС от 7 июня 2002 года, Договора о долгосрочном добрососедстве, дружбе и сотрудничестве государств-членов ШОС от 16 августа 2007 года, а также других документов ШОС, стремясь расширить сотрудничество в области здравоохранения между государствами-членами ШОС,

согласились о нижеследующем:

Статья 1

Стороны в соответствии с законодательством своих государств развивают сотрудничество в сфере здравоохранения по следующим направлениям:

- наука и инновационные технологии;
- профилактика и контроль за инфекционными заболеваниями;
- безопасность и качество лекарственных средств и изделий медицинского назначения;
- информатизация здравоохранения и телемедицина;
- оказание медицинской помощи при чрезвычайных ситуациях и стихийных бедствиях;
- первичная медико-санитарная и высокотехнологичная медицинская помощь;
- охрана здоровья матери и ребенка;
- неинфекционные заболевания и формирование здорового образа жизни;
- безопасность пищевых продуктов.

Стороны по общему согласию могут осуществлять сотрудничество по другим направлениям.

Статья 2

Сотрудничество Сторон по направлениям, указанным в статье 1 настоящего Соглашения, реализуется в соответствии с законодательством их государств в следующих формах:

- обмен научными и инновационными достижениями;
- обмен передовыми и современными технологиями;
- участие в международных мероприятиях (выставки, конференции, симпозиумы и др.), проводимых Сторонами;
- оперативный обмен информацией при чрезвычайных ситуациях, представляющих угрозу общественному здравоохранению;
- взаимодействие между организациями и учреждениями здравоохранения государств-членов ШОС.

Статья 3

Стороны обеспечивают охрану прав на результаты интеллектуальной деятельности, полученные в ходе реализации настоящего Соглашения, в соответствии с законодательством своих государств и международными договорами, участниками которых они являются.

Статья 4

Стороны в соответствии с законодательством своих государств самостоятельно несут расходы, связанные с выполнением обязательств по настоящему Соглашению, если нет иных договоренностей между Сторонами.

Статья 5

Координация сотрудничества по выполнению положений настоящего Соглашения осуществляется Экспертной рабочей группой, деятельность которой регулируется соответствующим Регламентом.

Статья 6

В целях реализации отдельных положений настоящего Соглашения Стороны могут заключать соответствующие соглашения.

Статья 7

По согласию Сторон в настоящее Соглашение могут вноситься изменения и дополнения, оформляемые отдельными протоколами, являющимися неотъемлемыми частями настоящего Соглашения.

Статья 8

Настоящее Соглашение не затрагивает прав и обязательств, вытекающих из других международных договоров, участниками которых являются государства Сторон.

Статья 9

В случае возникновения спорных вопросов и разногласий, связанных с толкованием и применением положений настоящего Соглашения, они разрешаются путем консультаций и переговоров между Сторонами.

Статья 10

Рабочими языками сотрудничества в рамках настоящего Соглашения являются русский и китайский языки.

Статья 11

Настоящее Соглашение заключается на неопределенный срок и вступает в силу с даты получения депозитарием последнего письменного уведомления каждой из подписавших его Сторон о выполнении внутригосударственных процедур, необходимых для вступления его в силу.

Статья 12

После вступления в силу настоящее Соглашение открыто для присоединения к нему любого государства, ставшего членом ШОС.

Для присоединившегося государства настоящее Соглашение вступает в силу через 30 дней с даты получения депозитарием документа о присоединении.

Депозитарий уведомляет Стороны о дате вступления в силу настоящего Соглашения в отношении присоединившегося государства.

Статья 13

Любая из Сторон может выйти из настоящего Соглашения, направив по дипломатическим каналам письменное уведомление о своем намерении депозитарию не позднее чем за 90 дней до предполагаемой даты выхода. Депозитарий в течение 30 дней известит другие Стороны о его получении.

Прекращение действия настоящего Соглашения не затрагивает осуществляемую в соответствии с ним деятельность, начатую, но не завершенную на момент прекращения его действия, если Стороны не договорятся об ином.

Статья 14

Депозитарием настоящего Соглашения является Секретариат ШОС, который направит Сторонам его заверенную копию в течение 15 дней после подписания настоящего Соглашения.

Совершено в городе Астане (Республика Казахстан) 15 июня 2011 года в одном подлинном экземпляре на русском и китайском языках, причем оба текста имеют одинаковую силу.

(подписи)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қозоғистон
Республикаси Ҳукумати ўртасида ноқонуний миграцияга
қарши курашишда ҳамкорлик тўғрисида
БИТИМ**

2019 йил 15 апрель, Тошкент

*Мазкур Битим Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил 14 октябрдаги ПҚ-4491-сонли «Халқаро шартномани
тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган*

*(Ўзбекистон Республикаси учун 2020 йил 22 майдан
кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Қозоғистон Республикаси Ҳукумати, кейинги ўринларда «Томонлар» деб аталувчилар,

1998 йил 6 мартдаги Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг ноқонуний миграцияга қарши курашишда ҳамкорлиги тўғрисида Битим, 2009 йил 22 майдаги Жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида маълумотлар алмашиш тўғрисида Битим ва 1998 йил 30 октябрда имзоланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қозоғистон Республикаси Ҳукумати ўртасида жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик тўғрисида Битим қоидаларига таяниб,

2000 йил 15 ноябрдаги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенциясини тўлдирувчи, Мигрантларни куруқлик, денгиз ва ҳаво йўллари орқали ноқонуний олиб киришга қарши Протоколнинг қоидаларини эътиборга олган ҳолда,

ноқонуний миграция миллий хавфсизлик ва иқтисодий барқарорликка жиддий таҳдид солишини ҳамда Томонлар давлатларининг ҳудудларида криминоген вазиятнинг мураккаблашишига олиб келишини англаган ҳолда,

ноқонуний миграцияга қарши курашишдаги ҳамкорлик Томонлар давлатларининг ҳудудида миграция жараёнларини тартибга солишнинг энг муҳим йўналишларидан бири эканлигини эътироф этиб,

ноқонуний миграцияга қарши курашиш бўйича қўшма чора-тадбирларни амалга ошириш ниятини ифодалаб,

халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормаларига ҳамда Томонлар давлатларининг қонунчилигига асосланиб,

ноқонуний миграцияга қарши курашишда Томонларнинг икки томонлама ҳамкорлиги учун ҳуқуқий асос яратишга интилиб,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда

Мазкур Битим доирасида Томонлар ўз давлатларининг қонунчилиги ва халқаро мажбуриятларига мувофиқ ноқонуний миграцияга қарши курашишда ҳамкорликни амалга оширадилар.

2-модда

1. Томонлар мазкур Битим доирасида қуйидаги асосий йўналишлар бўйича ҳамкорликни амалга оширадilar:

1) ўзаро қизиқиш уйғотадиган статистик, илмий-услубий ва бошқа маълумотларни алмашиш, шу жумладан, қуйидагилар тўғрисидаги:

аниқланган ноқонуний миграция каналлари;

ноқонуний миграцияни ташкил этиш ва амалга оширишга дахлдор бўлган, Томонлар давлатларининг ҳудудларида фаолият юритаётган юридик ва жисмоний шахслар;

ноқонуний миграцияни ташкил этиш ва амалга оширишда фойдаланиладиган жўнатиш ва қабул қилиш пунктлари, йўналишлар, ташувчилар ва транспорт воситалари;

кириш визалари ва бошқа ҳужжатларни олиш ҳамда улардан ноқонуний миграция мақсадларида фойдаланиш усуллари;

фуқароликни бериш ва ноқонуний миграцияга қарши курашишни ташкил этиш тартиби;

ноқонуний миграциянинг олдини олишга қаратилган амалиёт ва чоратадбирлар;

ташқи миграцияни тартибга солиш усуллари;

ҳақиқий бўлмаган ёки белгиланган тартибни бузган ҳолда берилган Томонлар давлатлари фуқароларининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар;

Томонлар давлатларининг фуқаролигини олган шахслар, шунингдек, шахсларнинг Томонлар давлатлари фуқаролигига мансублиги;

Томонлар давлатларининг миграция, шу жумладан, миграция жараёнларини тартибга солиш, ноқонуний миграцияга қарши курашишни ташкил этиш соҳасидаги қонунчилиги, шунингдек, Томонлар давлатларининг мазкур соҳалардаги қонунчилигидаги ўзгаришлар;

миграция масалалари бўйича учинчи давлатлар билан тузилган халқаро шартномалар;

бошқа Томон давлати ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Томонлар давлатларининг фуқаролари;

шахсни тасдиқловчи ва давлат чегарасини кесиб ўтиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларнинг намуналари, уларнинг шаклларидаги ўзгартиришлар, шунингдек, Томонлар давлатлари ҳудудларига кириш, унда бўлиб туриш ва ундан чиқишга рухсат берувчи ҳужжатларга доир талаблар;

Томонлар давлатларининг ҳудудига киришга (ёки уларнинг ҳудудидан чиқиб кетишга) чекловлар мавжудлиги ва асослари, шунингдек, Томонлар давлатларининг ҳудудидан чиқариб юборилаётган шахслар;

2) мансабдор шахс томонидан тасдиқланган ва ваколатли орган томонидан муҳрланган, сўровномага илова қилинадиган, Томонлар давлатлари фуқароларнинг ўз шахсий маълумотларини трансчегаравий топширишга розилик бериш тўғрисидаги ёзма аризалари мавжуд бўлган тақдирда, собиқ Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи паспортларининг 1974 йилдаги намунаси берилганлигини тасдиқлаш;

3) Томонлар давлатларининг чегараларини ноқонуний кесиб ўтаётган ва уларнинг ҳудудларида ноқонуний равишда бўлиб турган шахсларни аниқлаш ва ҳисобга олиш;

4) бир Томон давлати фуқаросининг бошқа Томон давлатининг ҳудудида вафот этганлиги муносабати билан топиб олинган ёки олиб қўйилган шахсни тасдиқловчи ҳужжатларини тўғридан-тўғри Томонлар давлатларининг дипломатик ваколатхонасига ва/ёки консуллик муассасасига юбориш;

5) учинчи давлатлар фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва Томонлар давлатлари фуқароларининг турар жойи (яшаш жойи) бўйича миграцион ҳисобга қўйиш ёки рўйхатга олиш тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш;

6) шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни бошқа Томон давлатининг ҳудудида фуқароликни расмийлаштириш факти тўғрисида унинг санаси кўрсатилган хабарнома билан биргаликда тўғридан-тўғри фуқаролиги тугатилаётган Томон давлатнинг дипломатик ваколатхона ва/ёки консуллик муассасасига қайтариш.

2. Мазкур Битим Томонларга ҳамкорликнинг бошқа ўзаро мақбул йўналишларини мазкур Битимнинг 1-моддасида белгиланган шартларга риоя қилган ҳолда белгилаш ва ривожлантиришга тўсқинлик қилмайди.

3-модда

Томонлар мазкур Битим доирасида қўйидаги шаклларда ҳамкорликни амалга оширадилар:

1) мазкур Битимнинг 2-моддасида кўрсатилган маълумотларни алмашиш;

2) ноқонуний миграциянинг олдини олиш ва уни бартараф этиш бўйича тажриба алмашиш;

3) Томонлар ваколатли органларининг миграция масалалари билан шуғулланувчи ходимларини тайёрлаш ва малакасини ошириш, шу жумладан, мазкур соҳада семинарлар ва стажировкаларни ташкил этиш;

4) ноқонуний миграцияга қарши курашиш соҳасида илмий тадқиқотларни амалга ошириш;

5) Томонлар давлатларининг ҳудудида ноқонуний миграцияга қарши курашиш бўйича қўшма тезкор профилактика тадбирларини ташкил этиш.

4-модда

1. Мазкур Битим доирасидаги ҳамкорлик манфаатдор Томоннинг ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги сўровномалари (кейинги ўринларда — сўровнома) асосида амалга оширилади. Ҳар бир Томон бошқа Томонга миграция масалалари бўйича ўзида мавжуд бўлган маълумотларни, башарти бундай маълумотлар бошқа Томон учун қизиқиш уйғотишига асослар мавжуд бўлса, сўровномасиз ҳам юбориши мумкин.

2. Сўровнома рус тилида ёзма шаклда, шу жумладан, матн узатишнинг техник воситаларидан фойдаланган ҳолда юборилади.

Сўровноманинг ҳақиқийлиги ёки мазмуни юзасидан шубҳа туғилса, қўшимча тасдиқлаш талаб қилиниши мумкин.

3. Сўровномада қуйидагилар бўлиши лозим:

сўраётган ва сўралаётган органнинг номи;

сўровнома моҳиятининг баёни, унинг мақсади ва асослари;

сўровномани лозим даражада бажариш учун фойдаланилиши мумкин бўлган ҳар қандай бошқа маълумотлар.

4. Сўровнома расмий идоравий бланкда расмийлаштирилади ҳамда сўраётган Томон давлати ваколатли органининг мутасадди мансабдор шахси томонидан имзоланади.

Томонлар ўз давлатлари ваколатли органларининг сўровномаларни имзолаш ваколатига эга мансабдор шахслари рўйхатини ва идоравий бланклар намуналарини мазкур Битим имзолангандан сўнг қирқ беш (45) кун ичида алмашадилар.

5. Мазкур модданинг 4-бандида кўрсатилган сўровномаларни имзолаш ваколатига эга бўлган мансабдор шахслар рўйхати ёки бланклар ўзгарган тақдирда, Томонлар бу ҳақда бир-бирларини дарҳол хабардор қиладилар.

5-модда

1. Сўралаётган Томон сўровнома ўттиз (30) календарь кун ичида тез ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўради.

Сўралаётган Томон сўровноманинг бажарилишига тўсқинлик қилувчи ёки унинг бажарилишини сезиларли даражада кечиктирадиган ҳолатлар ҳақида сўраётган Томонни дарҳол хабардор қилади.

2. Сўралаётган Томон сўровномани лозим даражада бажариш учун зарур деб ҳисобланган қўшимча маълумотларни талаб қилишга ҳақли.

3. Сўровномани бажариш сўралаётган Томон давлатининг қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

4. Агар сўралаётган Томон сўровномани бажариш ўз давлатида амалга оширалаётган жиноий таъқиб ёки жиноят ишлари юритувига ҳалақит бериши мумкин деб ҳисобласа, у сўровномани бажаришни кейинга қолдириши ёки унинг бажарилишини сўраётган Томон билан маслаҳатлашувдан сўнг зарур деб топилган шартларга риоя қилиш билан боғлаши мумкин. Агар сўраётган Томон сўровноманинг бундай шартларда бажарилишига рози бўлса, уларга риоя қилиши лозим.

5. Сўралаётган Томон сўровномани бажариш натижалари ҳақда сўраётган Томонни дарҳол хабардор қилади.

6-модда

1. Сўралаётган Томон сўровнома бажарилиши унинг давлати суверенитети, ҳавфсизлиги, жамоат тартибига зарар етказиши, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг бузилишига олиб келиши мумкин ёки ўз давлатининг қонунчилигига ёхуд халқаро мажбуриятларга зид деб ҳисобласа, сўровномани бажаришни тўлиқ ёки қисман рад этиши мумкин.

2. Сўраётган Томон сўровнома бажарилишининг тўлиқ ёки қисман рад

этилиши тўғрисида ёзма равишда рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда хабардор қилинади.

7-модда

Қуйидагилар мазкур Битимни амалга ошириш бўйича ваколатли органлар ҳисобланади:

Қозоғистон Томонидан — Қозоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;

Ўзбекистон Томонидан — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати.

Ваколатли органларнинг номлари ва вазифалари ўзгарган тақдирда, Томонлар бу ҳақда зудлик билан бир-бирларини дипломатик каналлар орқали хабардор қиладилар.

Томонлар ўз давлатлари иштирокчи ҳисобланадиган халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида ҳам ҳамкорлик қиладилар.

8-модда

1. Сўралаётган Томон, сўраётган Томоннинг илтимосига кўра, сўровнома келиб тушганлик факти, унинг мазмуни ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар, шунингдек, мазкур Битим доирасида ёрдам кўрсатилганлик фактининг махфийлигини таъминлаш учун зарурий чораларни кўради.

Сўровномани махфийлигини сақлаган ҳолда бажариш имкони бўлмаса, сўралаётган Томон сўраётган Томонни бу ҳақда хабардор қилади, сўраётган Томон эса сўровномани бундай шартларда бажариш ёки бажармаслик масаласини ҳал қилади.

2. Сўровномалар ижросининг натижаларидан уларни тақдим этган Томоннинг розилигисиз сўралган ва тақдим этилгандан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

3. Мазкур Битимга асосан бир Томон тарафидан олинган маълумотларни учинчи томонга бериш учун бундай маълумотларни тақдим этган бошқа Томоннинг олдиндан розилиги талаб қилинади.

4. Томонлар мазкур Битим асосида, шунингдек, Томонлар давлатларининг қонунчилиги ва улар давлатлари иштирокчиси бўлган халқаро шартномаларига мувофиқ юбориладиган ва бажариладиган сўровномалар доирасида алмашиладиган жисмоний шахс тўғрисидаги маълумотларнинг ҳимоя қилинишини таъминлайдилар. Томонлар, шунингдек, жисмоний шахс тўғрисидаги маълумотларни тасодифий йўқотиш, улардан рухсатсиз фойдаланиш, уларни ўзгартириш ёки тарқатишдан ҳимоя қилишни таъминлайдилар.

5. Мазкур Битимнинг амал қилиши тугатилган тақдирда, мазкур модданинг сўровнома келиб тушганлик факти, унинг мазмуни ва унга илова қилинадиган ҳужжатларнинг, шунингдек, ёрдам кўрсатилганлик фактининг махфийлигини таъминлаш учун зарурий чораларни кўришга доир қоидалари Томонлар учун амал қилишда давом этади.

9-модда

1. Томонлар ўзаро келишувга кўра мазкур Битимга асосан миграция соҳасидаги ҳамкорликни мувофиқлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш мақсадида маслаҳатлашувлар ўтказадилар.

2. Томонлар мазкур Битим қоидаларининг янада самарали амалга оширилишини таъминлаш мақсадида қўшма ишчи гуруҳлар тузишлари, экспертлар учрашувларини ўтказишлари мумкин.

10-модда

Томонлар мазкур Битимни амалга ошириш жараёнида юзага келадиган харажатларни, башарти ҳар бир алоҳида ҳолатда бошқача тартиб келишиб олинмаган бўлса, Томонлар давлатларининг қонунчилигига мувофиқ мустақил равишда қоплайдилар.

11-модда

Мазкур Битимнинг қоидалари Томонларнинг давлатлари иштирокчи ҳисобланадиган бошқа халқаро шартномалардан келиб чиқадиган ҳуқуқлари ва мажбуриятларига дахл қилмайди.

12-модда

Томонлар мазкур Битим доирасида ҳамкорликни амалга оширишда рус тилидан фойдаланадилар.

13-модда

Томонлар ўртасидаги муносабатларда юзага келадиган ва мазкур Битимни бажариш ёки талқин қилиш билан боғлиқ барча низоли масалалар маслаҳатлашув ва музокаралар йўли билан ҳал этилади.

14-модда

Томонларнинг ўзаро розилиги билан мазкур Битимга унинг ажралмас қисми ҳисобланадиган ва мазкур Битимнинг 15-моддаси 1-бандида белгиланган тартибда кучга кирадиган алоҳида баённомалар билан расмийлаштириладиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

15-модда

1. Мазкур Битим номуайяи муддатга тузилади ва Томонлар унинг кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички процедураларини бажарганликлари тўғрисида сўнгги ёзма хабарнома дипломатик каналлар орқали олинган санадан бошлаб ўттиз (30) кун ўтгач, кучга киради.

2. Томонлардан ҳар бири мазкур Битимнинг амал қилишини дипломатик каналлар орқали бошқа Томонга унинг амал қилишини тугатиш нияти тўғрисида ёзма хабарнома юбориш орқали тугатишга ҳақли. Бу ҳолда,

мазкур Битимнинг амал қилиши бундай хабарнома олинган санадан бошлаб тўксон (90) календарь кун ўтгач, тугатилади.

Тошкент шаҳрида 2019 йил 15 апрелда икки нусхада, ҳар бири ўзбек, қозоқ ва рус тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга. Мазкур Битим қоидаларини талқин қилишда тафовутлар юзага келган тақдирда, рус тилидаги матн устувор ҳисобланади.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан Ўзбекистон
Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги билан Швейцария
Ҳукумати номидан Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик
агентлиги ўртасида «Ўзбекистонда сув ресурсларини
бошқариш миллий Лойиҳаси, II босқич» тўғрисида
БИТИМ**

Тошкент, 2020 йил 16 июнь

*(Ўзбекистон Республикаси учун 2020 йил 16 июндан
кучга кирган)*

Ўзбекистон Республикаси ва Швейцария Конфедерацияси ўртасидаги мавжуд дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга интиланган ҳолда ҳамда хусусан, ҳар икки Томоннинг ички ва ташқи сиёсатини рағбатлантирадиган ва мазкур Битим мақсадлари билан бир қаторда муҳим унсур ҳисобланадиган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясида баён этилган демократия принциплари ва фундаментал инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилган ҳолда,

2002 йил 20 сентябрь куни имзоланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Швейцария Федерал Кенгаши ўртасида Техникавий ва молиявий ҳамкорлик ҳамда инсонпарварлик ёрдами тўғрисидаги Битимга (кейинги ўринларда — «2002 йилдаги Битим») мувофиқ ва уни амалда қўллаган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан Сув ҳўжалиги вазирлиги ва Швейцария Ҳукумати номидан Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

I модда.

Умумий шартлар ва тушунчалар

Мазкур Битимда қўлланилган тегишли атамалар, башарти, матнда бошқача талаб этилмаса, қуйидаги маъноларга эга:

а) «Томонлар» Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Швейцария Ҳукумати англатади;

б) «Лойиҳа» Швейцария Ҳукумати томонидан молиялаштирилдиган, Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги томонидан тайёрланган ва ушбу Битимнинг ажралмас қисми ҳисобланган Лойиҳа ҳужжатида белгиланган «Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллий Лойиҳаси»ни англатади;

с) «ШТХА» Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлигини англатади;

д) «Швейцария элчихонаси» Швейцариянинг Ўзбекистондаги элчихонасини англатади;

е) «СХВ» Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигини англатади;

ф) «ЛБК» Лойиҳанинг умумий назорати ва мувофиқлаштирилишини таъминлаш, шунингдек, стратегик масалаларни ҳал этиш учун ташкил этилган Лойиҳани бошқариш қўмитасини англатади;

г) «GEF агентлиги» Орол денгизи ҳавзаси ва GEF лойиҳаларини амалга ошириш бўйича Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг агентлигини англатади;

ҳ) «Ижроия агентлиги» Лойиҳани амалга ошириш учун ШТХА томонидан тайинланган GEF агентлиги ҳамда Жамоанинг халқаро раҳбарини англатади;

и) «СРИБ» Сув ресурсларини интеграциялашган бошқаришни англатади.

II модда.

Лойиҳанинг мақсадлари

1. Лойиҳа иккинчи босқичининг умумий мақсади Ўзбекистонда сув ресурсларини интеграциялашган бошқариш орқали қишлоқ жойларидаги аҳолининг турмуш даражасини оширишдан иборат.

2. Лойиҳадан кутилаётган асосий якуний натижалар:

1-якуний натижа: Сув хўжалиги вазирлиги СРИБ принципларига асосланган кенг қамровли стратегик ва тартибга солиш базасини жорий қилади.

2-якуний натижа: фермерлар ва сув хўжалиги ташкилотлари сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланадилар.

III модда.

Битимнинг амал қилиш доираси

1. Мазкур Битим унга илова қилинган ва унинг ажралмас қисми ҳисобланадиган Лойиҳа ҳужжатида белгиланган, Ўзбекистон Республикасида амалга ошириладиган фаолиятларни ўз ичига олади.

2. Швейцария элчихонаси ШТХА номидан Лойиҳани амалга ошириш-

да СХВ билан яқиндан ҳамкорлик қилади. Бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан ўзаро алоқа СХВ орқали амалга оширилади.

IV модда.

Амалга ошириш бўйича мажбуриятлар

1. СХВ Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан мазкур Битим ва Лойиҳани амалга ошириш учун масъул ҳисобланади.

2. ШТХА Швейцария Ҳукумати номидан мазкур Битимни қўллаш ва Лойиҳани амалга ошириш учун Ижро органи ҳисобланади. Швейцария элчихонаси ШТХАнинг Ўзбекистондаги вакили ҳисобланади ҳамда Лойиҳани амалга ошириш ва мувофиқлаштириш учун масъулдир.

3. Томонларнинг умумий қарорига асосан, ШТХА Лойиҳа ҳужжатида белгилангани бўйича, Лойиҳани амалга оширишни Ижроия агентлиги (GEF агентлиги ва Жамоанинг халқаро раҳбари) зиммасига юклайди.

V модда.

Иммунитет ва имтиёзлар

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати:

а) 2002 йилдаги Битимнинг 6-моддаси 6.2 ва 6.8-бандларида назарда тутилган ҳамда 1961 йил 18 апрелдаги Дипломатик алоқалар тўғрисидаги Вена конвенциясига мувофиқ одатда дипломатик миссияларга тақдим қилинадиган айни иммунитет ва имтиёзлар билан Швейцария элчихонасини ва унинг ходимларини таъминлайди;

б) Швейцария элчихонасининг мурожаати асосида Лойиҳада иштирок этадиган мутахассисларга 2002 йилдаги Битимнинг 6-моддаси 6.4-бандига кўра консуллик ва бошқа тўловларсиз, вақтинча кириш ва чиқиш визаларини беради;

в) Лойиҳа доирасида олиб кириладиган товарларни божхона божларидан озод этади. Лойиҳа доирасида Ўзбекистон ҳудудида сотиб олинadиган товарлар, ишлар ва хизматлар қўшилган қиймат солиғидан ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларидан озод этилади;

д) валюта ўтказмаларини тартибга солишнинг амалдаги қоидаларига мувофиқ Лойиҳанинг эҳтиёжлари ёки унинг мутахассислари билан боғлиқ бўлган чет эл валютасидаги халқаро пул ўтказмаларини амалга ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратилишига кўмаклашади;

е) хорижий ва маҳаллий мутахассисларга ўз хизмат вазифаларини бажаришда ёрдам беради, шунингдек, уларга Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Лойиҳани муваффақиятли амалга ошириш учун зарур бўлган рухсатномалар, ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этади.

VI модда.

Швейцария Ҳукуматининг мажбуриятлари

1. ШТХА Лойиҳани 4,6 миллион (тўрт миллион олти юз минг) АҚШ долларигача миқдорда бўлган ҳисса орқали молиялаштиради.

2. Лойиҳа маблағлари ШТҲА томонидан Швейцария элчихонаси орқали бошқарилади.

VII модда.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг мажбуриятлари

1. СХВ Лойиҳа мақсадларининг тўлиқ уйғунлигини ва амалга оширилишини кафолатлаш учун Лойиҳани лозим даражада мувофиқлаштириш ва қўллаб-қувватлашни таъминлайди, шунингдек, Лойиҳа доирасида ташкил этиладиган тегишли тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати вакилларининг иштирокига кўмаклашади.

2. СХВ Швейцария элчихонаси ва GEF агентлигининг ёзма сўровига асосан Лойиҳанинг муваффақиятли амалга оширилиши учун уларнинг ўз вазифаларини энг самарали ва лозим даражада бажаришларига имкон бериш мақсадида зарур бўлган маълумот ва рухсатномалар билан зудлик билан таъминлаш мажбуриятини олади. Бундай маълумотлардан фақат Лойиҳа мақсадлари учун фойдаланилади. Ҳар қандай бошқа мақсадларда фойдаланиш СХВ билан олдиндан ёзма равишда келишилади.

3. Тўлиқ уйғунликни кафолатлаш мақсадида СХВ Швейцария Ҳукумати ва бошқа донорлар томонидан молиялаштириладиган тадбирларни лозим даражада мувофиқлаштиришни таъминлайди. СХВ томонидан барча иштирокчилар ўртасида мунтазам маслаҳатлашувлар ташкил этилади.

4. СХВ Лойиҳа доирасида Швейцария Ҳукумати маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган товарлар ва ускуналарни хавфсиз жойда сақлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича қўшма чора-тадбирларни амалга оширади, шунингдек, Лойиҳа якунида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ушбу товарлар ва ускуналарни топшириш бўйича тегишли жараёнларнинг амалга оширилишини таъминлайди.

VIII модда.

Лойиҳани амалга ошириш механизмлари

1. Лойиҳа СХВ ва ШТҲА ўртасидаги қўшма ташаббус ҳисобланади.

2. Ўзбекистон томонидан СХВ:

а) келишилган Лойиҳа тадбирларини амалга оширишга кўмаклашиш учун барча зарур чора-тадбирларни кўради;

б) Лойиҳани бошқариш қўмитасида иштирок этади;

с) Лойиҳа тадбирларини унга жалб қилинган вазирлик ва идоралар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа миллий ташкилотлари билан мувофиқлаштиради.

3. Швейцария томонидан Швейцария элчихонаси:

а) Лойиҳанинг умумий амалга оширилиши устидан мониторинг юритади;

б) Лойиҳани амалга оширишни қўллаб-қувватлаш учун узоқ ва қисқа муддатга ёлланган халқаро ва маҳаллий мутахассисларни тайинлаши мумкин;

с) Лойиҳанинг махсус қисмларини амалга ошириш учун бошқа шахсларни ва маҳаллий ёки халқаро ташкилотларни тайинлаши мумкин.

IX модда.

Назорат қилиш ва мувофиқлаштириш

1. ЛБҚ йиғилиши бир йилда икки марта ўтказилади. ЛБҚ Томонлар вакиллари иштирок этган кворумга эга бўлади ва қарорлар консенсус асосида қабул қилинади.

2. ЛБҚ қуйидаги аъзолардан ташкил топади:

а) СХВ вакили;

б) Швейцариянинг Ўзбекистондаги элчихонаси раҳбари.

ЛБҚда қуйидагилар (овоз бериш ҳуқуқисиз) кузатувчи мақомига эга бўлади:

с) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг вакиллари;

д) муҳокама мавзусига кўра, Лойиҳага жалб қилинган бошқа идора ва ташкилотларнинг вакиллари;

е) Лойиҳага жалб қилинган бошқа донорларнинг вакиллари.

GEF агентлиги ЛБҚ котибияти вазифасини бажаради ва йиғилишларнинг кун тартибини тайёрлаш, таклифномалар юбориш, шунингдек, унинг аъзолари томонидан тасдиқланадиган баённомаларни юритишга масъулдир.

3. ЛБҚ қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

а) Лойиҳани бошқариш билан боғлиқ стратегик масалаларни муҳокама қилиш ва қарорлар қабул қилиш;

б) Лойиҳа бўйича эришилган натижаларни мунтазам равишда кўриб чиқиш ва Лойиҳани амалга ошириш ҳолати бўйича йиллик ҳисоботлар ва молиявий ҳисоботларни тасдиқлаш, ушбу ҳисоботлар СХВ ва ШТХАга уларнинг асосли қарор қабул қилишларига имкон бериш учун олдиндан топширилади;

с) Лойиҳанинг йиллик иш режаси ва бюджетини тасдиқлаш;

д) Лойиҳани қўллаб-қувватлаш ва уни амалга оширишдаги муҳим муаммолар бўйича қарорлар қабул қилишда йўриқномалар билан таъминлаш;

е) Лойиҳани амалга оширишда юзага келиши мумкин бўлган келишмовчиликларни тартибга солиш;

ф) сув сиёсати ёки бошқа тегишли масалаларни муҳокама қилиш ва маълумот алмашиш;

г) Лойиҳанинг самарали бошқарилишини таъминлаш.

4. Йиғилишлар Томонлар билан маслаҳатлашувдан сўнг Котибият томонидан қақирилади. Навбатдан ташқари йиғилишлар ЛБҚ аъзоларидан бирининг сўровига мувофиқ қақирилиши мумкин.

X модда.

Ҳисобот топшириш ва ахборот

1. Лойиҳани амалга ошириш ҳолати бўйича ҳисоботлар ва Лойиҳа доирасида молиялаштирилаётган фаолият билан боғлиқ барча харажатларни

тасдиқловчи молиявий ҳисоботлар GEF агентлиги томонидан тайёрланади ҳамда Швейцария элчихонаси билан GEF агентлиги ўртасида тузилган контрактга мувофиқ ҳар олти ойда СХВ ва Швейцария элчихонасига тақдим этилади.

GEF агентлигининг бухгалтерия ҳисоботи ва молиявий ҳисоботи, шунингдек, ички назорат тизими мустақил аудиторлик фирмаси томонидан бир йилда бир марта текширилади.

2. Томонлар Лойиҳанинг амалга оширилишига таъсир қилиши мумкин бўлган ҳар қандай юзага келадиган вазият тўғрисида дарҳол бир-бирларини ёзма равишда хабардор қиладилар.

XI модда.

Лойиҳани мониторинг қилиш ва баҳолаш

1. Лойиҳа фаолиятининг ички мониторинги GEF агентлиги томонидан амалга оширилади.

2. Ўзбекистон томонидан СХВ ва Швейцария томонидан Швейцария элчихонаси Лойиҳа тадбирларини мониторинг қилади. Бу концепциялар ва лойиҳалаштириш тафсилотларини муҳокама қилиш, камчиликлар ва уларни бартараф этиш воситаларини таҳлил қилиш, шунингдек, зарур ҳолларда, иш режаси ва жадвалларга ўзгартириш киритиш бўйича техник учрашувларни ўз ичига олади.

3. Швейцария элчихонаси ва Лойиҳа мутахассислари Лойиҳа ҳудудида мустақил равишда ёки Ўзбекистон Республикасининг тегишли вазирлик ва идоралари вакиллари билан биргаликда ташриф буюришлари мумкин.

4. СХВ, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан келишган ҳолда, ШТҲА томонидан Лойиҳанинг самарали амалга оширилишини таъминлаш мақсадида ўз ҳисобидан мустақил текширув миссияларини амалга ошириш ҳамда якуний баҳолаш ва даврий назорат миссияларини ташкил этиш мумкинлигига розилик билдиради.

5. Лойиҳа натижаларини баҳолаш 2023 йилда ўтказилади. Баҳолаш давомида эришилган натижалар ва Лойиҳанинг муваффақиятли амалга оширилиши учун мақбул бўлган ёки бунга тўсқинлик қилувчи омилларга эътибор қаратилади. Баҳолаш ШТҲА томонидан тайинланадиган мустақил учинчи томон тарафидан амалга оширилади. Баҳолаш гуруҳига тегишли маълумотлардан тўлиқ фойдаланиш имконияти берилади. Баҳолаш ҳисоботи Томонларга тақдим этилади.

6. Лойиҳани амалга ошириш кўрсаткичлари ва қўшма ташқи баҳолаш натижаларига кўра икки Томон 2023 йилдан кейинги ҳамкорликни давом эттириш ва уни қандай шаклда амалга ошириш бўйича қарор қабул қилади.

XII модда.

Товарлар ва хизматларни харид қилиш

1. Швейцария Ҳукумати томонидан молиялаштириладиган товарлар ва хизматлар Швейцария тартиб-қоидаларига мувофиқ харид қилинади.

2. Лойиҳани амалга ошириш даврида ШТҲА маблағлари ҳисобидан

Лойиха доирасида фойдаланиш учун тақдим этилган товарлар ШТХАнинг чекланмаган тасарруфида бўлади ва Швейцария элчихонасининг олдиндан ёзма рухсатисиз Лойихадан ташқарида фойдаланилмайди. Бу ушбу Лойиханинг биринчи босқичида сотиб олинган товарларни ҳам ўз ичига олади.

3. Башарти, маълум сабабга кўра Лойихани амалга ошириш тўхтатиладиган бўлса, ШТХА маблағлари ҳисобидан тақдим этилган товарлардан фойдаланиш тартиби Томонлар ўртасида ёзма равишда белгиланади. Бундай ҳолда, ШТХА ушбу товарлар билан боғлиқ ҳар қандай ҳолат учун жавобгар бўлмайди.

4. Лойиха якунида Томонлар Лойиха маблағлари ҳисобидан сотиб олинган товарларга мулкӣ эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича ёзма равишда келишиб оладилар.

XIII модда.

Битимнинг тугатилиши

1. Томонлардан ҳар бири ушбу Битимни тугатиш бўйича ёзма хабарномани уч ой олдин юбориш орқали уни тугатиш ҳуқуқига эга.

2. Томонлардан бири мазкур Битим мақсадларига ортиқ эришиб бўлмайди ёки иккинчи Томон ўз мажбуриятларини бажаришга қодир эмас деб ҳисоблаган тақдирда, бошқа Томон бир ой олдин ёзма хабарнома юбориш орқали уни тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш ҳуқуқига эга бўлади. Юқорида келтирилган ҳолатларга қарамасдан, Томонлардан ҳар бири ушбу Битим шартлари қўпол равишда бузилган тақдирда, уни зудлик билан тугатиши мумкин. Қўпол равишда бузиш ушбу Битимнинг асосий мақсадларидан бирини жиддий равишда бузишни англатади.

3. Форс-мажор (табӣий офат ва бошқалар) натижасида юзага келадиган ҳодисалар мазкур Битимни ижро этишга тўсқинлик қилса, Томонлардан бири уни амалга ошириш имконсиз бўлиб қолган вақтдан бошлаб Битимни тугатиши мумкин.

4. Мазкур Битим муддатидан олдин тугатилган ёки Лойиха якун топган тақдирда, Лойиха доирасида тақдим этилган сарфланмаган ҳар қандай маблағлар ШТХАга қайтарилади.

XIV модда.

Ўзгартиришлар киритиш ва низоларни ҳал қилиш

1. Мазкур Битимга ҳар қандай ўзгартириш ёки қўшимчалар киритиш Томонларнинг розилиги билан ёзма равишда амалга оширилади.

2. Мазкур Битим қоидаларини талқин қилиш ёки қўллашдан келиб чиқадиган ҳар қандай низолар Томонлар ўртасида дипломатик музокаралар ва маслатҳалашувлар орқали дўстона ҳал қилинади.

XV модда.

Коррупцияга қарши курашиш қоидалари

Мазкур Битим доирасида Томонлар бевосита ёки билвосита бирон-бир

хусусиятдаги фойдани таклиф қилмайдилар. Улар бундай таклифларни қабул қилмайдилар. Ҳар қандай коррупцион ёки ноқонуний хатти-ҳаракатлар ушбу Битимнинг қўпол бузилишини англатади ва унинг тугатилишига ва (ёки) амалдаги қонунчиликка мувофиқ қўшимча тузатиш чоралари қўлланилишига асос бўлади.

XVI модда.

Иловалар

Лойиҳа ҳужжати иловалари билан бирга мазкур Битимнинг ажралмас қисми ҳисобланади ва фақат инглиз тилида келтирилади.

XVII модда.

Амал қилиш муддати ва кучга кириши

Мазкур Битим 2020 йил 1 январдан 2023 йил 31 декабргача бўлган даврни қамраб олади. У Томонлар имзолаган вақтдан бошлаб кучга кириди ва Томонлар ўзларининг барча шартномавий мажбуриятларини бажаргунларига қадар амал қилади.

Тошкент шаҳрида 2020 йил «16» июнда ҳар бир Томон учун бир нусхадан, тенг аутентик бўлган ўзбек ва инглиз тилларида икки асл нусхада имзоланди.

Мазкур Битим қоидаларини талқин қилишда тафовутлар вужудга келганда, инглиз тилидаги матн устувор ҳисобланади.

(имзолар)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАРИ ТЎПЛАМИ
СБОРНИК МЕЖДУНАРОДНЫХ ДОГОВОРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

Ўзбекистон Республикаси Халқаро шартномалари тўплами / Сборник международных договоров Республики Узбекистан. 1-2 (65-66)-сон, 2020. – 80 б.

© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2020 й.

Таҳрир ҳайъати:

*Очилов Алижон Мухлисович
Кулдашев Фахрутдин Абдулазизович*

Нашр учун масъул:

Бахранов Шавкат Шухратович

Компьютерда саҳифаловчи:

Қурбонбоев Шерзод Шамуратович

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази.
100060, Тошкент ш., Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 19-уй.
тел.: (71) 233-38-08, (71) 233-28-18.

Обуна ва етказиб бериш масалалари бўйича
«New Law Express» МЧЖга мурожаат қилинг.
тел.: (90) 936-73-93, (71) 272-05-59.

Босишга рухсат этилди 01.07.2020. Бичими 70x108¹/₁₆.
Ҳажми 5,0 б.т. Адади 80 нусха, буюртма —
Индекс: 949. Баҳоси келишилган нарҳда.

«PRINT LINE GROUP» ХК босмаҳонасида чоп этилди,
Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳқўчаси, 44-уй.